

12. S.R. Nair The link between women entrepreneurship, innovation and stakeholder engagement: A review. -Journal of Business Research, 119 (2020), pp. 283-290, [10.1016/j.jbusres.2019.06.038](https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2019.06.038);
13. L.K. Gundry, J.R. Kickul, T. Iakovleva, A.L. Carsrud Women-owned family businesses in transitional economies: Key influences on firm innovativeness and sustainability. – Journal of Innovation and Entrepreneurship, 3 (2014), pp. 1-17, [10.1186/2192-5372-3-8/](https://doi.org/10.1186/2192-5372-3-8/)

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Хайитов Абдиманнон Бухарович –  
ТДИУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Тўхтаева Хуршида Фарходовна –  
ТДИУ, ассистент

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли бандлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган. Муаллифлар бандликка кўмаклашишнинг асосий йўналишлари ва мамлакатда меҳнат бозорини изчил ривожлантириш бўйича таклифларни тақдим этадилар.

**Таянч иборалар:** аҳоли, янги иш ўринлари, бандлик, меҳнат, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик.

**Аннотация:** В данной статье были исследованы вопросы повышения занятости населения в условиях модернизации экономики страны. Авторами представлены основные направления содействия занятости и предложения по последовательному развитию рынка труда в стране.

**Ключевые слова:** население, новые рабочие места, занятость, труд, малый бизнес, частное предпринимательство.

**Abstract:** In this paper have been investigated issues of increasing population employment under conditions of modernization country economy. By authors presented the main directions of promoting employment and proposals for consistently developing the labor market in the country.

**Key words:** population, new jobs, employment, labour, small business, private entrepreneurship.

### Кириш

Аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик – иккита қарама-қарши, бир-бирини истисно этувчи тушунча бўлиб, аҳолининг бандлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ишсизлик шунча кам бўлади ва аксинча. Аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ишсизликнинг умуман мавжуд бўлмаслигини назарда тутмайди, чунки ишсизликка тўлиқ барҳам беришнинг деярли иложи йўқ. “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” номи илмий иш ва бир қатор бошқа ишланмалар муаллифи инглиз олими Ж.Кейнснинг (1946–1883 йй.) фикрига кўра, аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги тахминан 3 фоиз даражасидаги ишсизликни назар

да тутуди. Шундай ҳолатда ишсизлик иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва суръатларига салбий таъсир кўрсатмайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда бошқача қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бизнинг фикримизча 6-5 фоиз даражасидаги ишсизлик иқтисодиётдаги оптимал бандликка мос келади, деб ҳисоблаймиз. Боз устига, жамиятда ишсизлик маълум “табiiй” даражасининг мавжудлиги нафақат нормал, балки йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолат сифатида қабул қилинади.

Фикримизча, Ўзбекистонда ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ўсиш тарихи айнан Кейнс қарашларининг тўғрилигини исботлайди. Ишсизлар расмий рўйхатга олингандан бошлаб, ишсизликдаражасимаълумдаражадамунтазам

равишда ортиб, шунга кўра иш билан бандлик кўрсаткичлари пасайиб борди. Маълумки, ишга жойлаштириш миқдори қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст бўлади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Иш билан бандлик тушунчасига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, жумладан россиялик иқтисодчи олим А.И. Рофе ушбу тушунчага ўз муносабатини билдириб, “Иш билан бандлик – бу мамлакат аҳолисининг иқтисодий фаол қисмидаги кишилар учун ишларнинг мавжудлиги, яъни амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган, даромадли машғулот билан билан банд бўлишидир” [1] – деб таъриф берган.

Шунингдек, етук иқтисодчи олимлардан И.М. Алиев, Н.А. Горелов, Л.О. Ильиналар ушбу тушунчага: “Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳамда меҳнатдан даромад (иш ҳақи) келтирувчи ижтимоий фойдали меҳнат сифатида намоён бўлиши мумкин” [2] – деб таъриф берганлар.

Мазкур таърифлардан фарқли ўларок, бизнинг фикримизча иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Аҳолининг иш билан бандлиги меҳнат унумдорлигининг ошишига ва ўз навбатида, миллий бойликнинг ҳам ўсишига хизмат қилади, айти пайтда ишсизликнинг салбий оқибатилари шундаки у нафақат ишлаб чиқаришнинг пасайишига, балки пировардида қашшоқликнинг бошланишига ҳам олиб келиши мумкин.

Америкалик иқтисодчи олим Артур Оукен ишсизликнинг табиий даражадан ортиши билан ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг ортда қолиши ўртасидаги нисбатни математик тарзда қуйидагича ифодалалайди: “...агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 1 фоизга юқори бўлса, ялпи миллий маҳсулот ҳажми 2,5 фоиз камаяди ёки 2,5 фоиз ялпи миллий маҳсулот йўқолади”. Деб мак, мос равишда уларнинг нисбати 1:2,5 га тенг. Ушбу нисбат иқтисодий назарияда Оукен қонуни деб ном олди. Шу нисбатга асосланиб,

йўқотилган ялпи миллий маҳсулотнинг мутлақ қийматини аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, ишсизликнинг табиий даражаси – бу «нормал» даврдаги меъёрий инфляция ва барқарор ўсиш суръатлари билан ифодаланган даражадир. Шунинг учун, ишсизликнинг табиий даражасининг таърифи – анчагина мураккаб иш, чунки бу кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш учун «нормал ишловчи иқтисодиёт» моделини яратиш керак бўлади.

Ишсизлик тушунчасига аниқлик киритишда ҳам турли қарашлар мавжуд. Россиялик иқтисодчи олимлар Н.В. Лясников, М.Н. Дудин, Ю.В. Лясниковлар ушбу тушунчани “Ишсизлик – бу шундай бир ижтимоий-иқтисодий ҳодисаки, унда фаол, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир қисми ўзи бажариши мумкин бўлган ишни топа олмаслик ҳолатидир” [3], – деб таърифласалар, бошқа бир иқтисодчи олимлардан И.М. Алиев, Н.А. Горелов, Л.О. Ильиналар эса, “Ишсизлик – иқтисодиётдаги шундай бир ҳодисаки, унда иқтисодий фаол аҳолининг бир қисмини ишсизлар ташкил этади” [4]– деб изоҳлайдилар.

Бизнинг фикримизча, **ишсизлик – бу ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган миқдоридир.** Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, глобаллашув шароитида, гап табиий ишсизлик тўғрисида эмас, балки унинг ижтимоий мақбул даражаси, яъни кадрлар қўнимсизлиги ва иш излаш давомийлигини, шунингдек ишчи кучининг демографик таркиби ва меҳнат бозоридаги танглик даражасини (ишсизликнинг бўш иш жойлари миқдорига нисбати) ва ижтимоий тангликни ҳам ҳисобга оладиган даражаси тўғрисида бориши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида аҳоли иш бандлигини шакллантиришнинг бошқа тамойиллари ҳам амал қилади. Бунда давлат мавжуд меҳнат ресурсларидан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланиш борасидаги монополияга ҳар қандай даъвогарликлардан воз кечади. Шу асосда бошқа тамойил – эркин танлаб олинган бандлик тамойили, яъни қонуний даромадлар манбаига эга бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик ҳуқуқи юзага келади. Бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг меҳнат қилиш қобилияти (ишчи кучи) ни тасарруф этиш ҳуқуқи фақат унинг эгасига,

яъни ходимнинг ўзига тегишли бўлиб, уни ҳеч ким меҳнат қилишга мажбур қилишга ҳақли эмас (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим мезони иш билан бандликка бўлган муносабатдир. Иш билан бандлик муаммоси ижтимоий муаммо. Шундай экан энг юқори даражадаги аҳолининг демографик жиҳатлари ва ундан самарали фойдаланиш ҳамда жвамият ривожини учун йўналтирилганлиги иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми, эканлигидан далолат беради. Аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларининг ижтимоийлиги унинг, энг аввало, инсон, унинг манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади. Қанчалик даражада инсоннинг ижтимоийлашув даражаси юқори бўлса, шунчалик даражада инсон капиталининг сифат даражаси ўзгариб боради.

Академик Қ. Абдураҳмонов томонидан “...иш билан бандликнинг энг кам деганда *тўрт ижтимоий жиҳатини* ҳисобга олиш лозимлигини, иш билан бандликнинг инсоннинг Конституцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи – меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқлиги, турмуш даражаси ва муносиб ҳаёт кечириш шарт-шароитларини шакллантиришда иш билан бандлик ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айнан иш билан бандлик меҳнат фаоллигини ошириш, меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва улар оилаларининг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим кафолати, ҳар кимнинг ва умуман, жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги омилини шакллантириш, айнан меҳнат фаолияти инсонни ўзгартиради, унинг касбий имкониятларини очиб беради ва кўпайтиради, шахснинг ривожланишини рағбатлантиради”-деб таъкидланади.

Дарҳақиқат, ушбу йўналишлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гуруҳларга ажратиш, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, турмуш сифати даражасини ошириш йўллари билан белгилаб беради. Бу ғоят муҳим муаммолардан бири эканлиги, COVID19- Глобал Пандемия шароитида иш

билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, бинобарин, муаллиф қайд этгандек жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги омилини шакллантириш айнан бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффақияти, мазкур муаммони эътироф қилиш ва ҳал этишга маълум даражада боғлиқлигини гувоҳи бўлдик. Шундай экан жамият тараққиётининг асоси аҳоли таркибидан ҳудудлар миқёсида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Демографик ривожланиш ижтимоий ривожланишнинг бир қисми бўлганлиги боис, уни давлат томонидан тартибга солиш сиёсат даражасига кўтарилган, унга иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни илмий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Қ.Х. Абдураҳмонов ва Н.К. Зокировларнинг фикрига кўра, демографик ривожланишни давлат томонидан тартибга солишга қуйидагича таъриф беришган: «Демографик сиёсат давлат органлари ва ижтимоий институтларнинг аҳолининг такрор барпо қилиниши жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги аниқ мақсадни кўзлаган фаолиятидир». Россиялик таниқли демограф олимлардан В.Г.Глушковой ва Ю.А. Симагиналар таъкидлашча, «Демографик сиёсат – бу демографик натижаларни аниқлаштиришга эришиш ва аҳолининг табиий ҳаракатига таъсир этиш учун давлат томонидан қўлланиладиган чора тадбирлар тизимидир».

П.И. Косов ва А.Б. Берендеевалар томонидан анча аниқ таъриф ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра «Демографик сиёсат – ижтимоий ва оилавий сиёсат билан чамбарчас боғлиқ. Уларни базада фарқлашга тўғри келади. Ижтимоий сиёсат ҳаёт шароитларини бошқариш ва эҳтиёжмандларга ёрдам бериш масалаларини ўз мақсадлари ичига олади. Оилавий сиёсат эса давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг оилаларнинг ташкил этилиши, оиладаги турмуш тарзи, жамият ривожланишининг узоқ тарихий йўли йўқолиб кетмаслиги, оиланинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ижтимоий институт сифатида оилаларнинг мустаҳкамлигига йўналтирилган фаолиятидир».

### Тадқиқот методологияси

Бизнинг фикримизча, муаллифлар томонидан демографик сиёсатнинг ижтимоий ва оила сиёсатини чамбарчас бозлиқлигини улар яаган давр ва мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тариф берган бўлиши мумкин. Муаллифлар асослаганидек оиладаги турмуш тарзи, жамият ривожланишининг узоқ тарихий йўли, оиланинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ижтимоий институт сифатида оилаларнинг мустақамлигига йўналтирилган ҳаракатларнинг борлиги бу ҳақиқат. Лекин ҳолатда муаллифлар тавсия этаётган илмий чимини бера олмади. мулоҳазада оиланинг мустақамлига таянч бўладиган асосни кўрсата олмаганлар. Бизда ҳам оила билан боғлиқ барча институтлар мавжуд фаолият олиб бораётганди. Олиб борилаётган барча чоратадбирларнинг самараси кейинги йилларда ўз ечимини топмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 12 февралдаги селектр йиғилишида "...хусусан, маҳаллаларда 18 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатиб келаётган бўлсада, уларнинг иши самарали ташкил этилмаган. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмаган. Оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани жуда ачинарли"-эканлигини қайд этиб ўтди. Дарҳақиқат оилани бевосита ижтимоийлашувида туртки бўладиган Маҳалла билан чамбарчлиги боғлайдиган **Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил этиш таклифини билдирди. Натижада** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ--5938сон Фармониға мувофиқ **2020 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул**

### қилинди.

Аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг демографик жиҳатлари хусусан мазкур Қарорда "...фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустақамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан, **"Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури, "Хунармандчиликни ривожлантириш дастури", "Yoshlar - kelajagimiz" дастури** асосида имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги таклифлари"ини киритилганлиги мамлакатда иқтисодий ўсиш тенденциялари ва истиқболларини, мамлакат ва унинг ҳудудларининг инвестицион жозибдорлигини оширишга бевосита ўзтаъсии кўрсатишга хизмат қиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига бериладиган баҳолашнинг муҳим кўрсаткичлари бандлик кўрсаткич эканлиги, иқтисодиётни сифатли инсон ресурслари билан таъминлаш хусусан оилаларда шаклланиши ва йўналтирилишини эътиборга олсак. бу кўп жиҳатдан ҳозирги демографик вазиятнинг барқарорлашувига олиб келади.

Демографик вазиятнинг барқарорлашуви Бандликнинг ушбу хусусиятларини таҳлил қилишнинг долзарблиги аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришларнинг доимий динамикаси билан белгиланади

Демографик жиҳатлар, аҳолининг кўпайиши ва табиий ҳаракатланишнинг замонавий муаммолари, шунингдек, аҳоли сиёсатининг таҳлили, хусусан, ҳудудлардаги демографик вазият, шунингдек, инсон капиталининг ривожланишини ўрганишда таҳлил қилинади ҳудудларида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати демографик муаммолар ва турмуш даражаси таҳлил қилинади). Шу билан бирга, иш билан банд аҳолининг демографик хусусиятларини таҳлил қилишга етарли даражада эътибор берилмаяпти (бандларнинг ёш таркибини ўзгартиришнинг минтақавий жиҳатлари билан бирга) қатор муаммоларни юзага келтираётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

### Таҳлил ва натижалар

Ер юзида 7,5 млрддан ортиқ аҳоли ис-

тиқомат қилади. 2019 йил декабрь ойида Хитойда аниқланган COVID-19 коронавирус (тожсимонвирус) 186 дан ортиқ мамлакатлар аҳолисининг меҳнат ва кундалик фаолиятига бевосита ва билвосита ўз таъсирини кўрсатди. Пандемия шароитини мамлакатлардаги иқтисодиёт тармоқларининг бир маромда ёки барқарор ишлашига имкон бермайдиган вазнсизлик, яъна аниқроғи инсон ҳаёти ва борлигининг асоси нафас олиш асоси кислород етишмайдиган даврга тенглаштира бўлади.

Пандемия шароити бутун дунё афкор оммасининг олдида муаммоларни бартараф этишда инсониятнинг ожизлиги, заифлиги сезилиб қолди. Аниқроғи “Сувдан ғалвир кўтарилди”.

Фан-техника тараққиёти томонидан эришилган натижалар бу бизники, бутун дунё аҳолисиники. Хуш унда муаммо қаерда нима учун инсоният кузга кўринмайдиган вирус ёки хужайрани бартараф этишда ожиз? Инсониятнинг ожизлиги нимада ва қаерда? Инсоният пайдо бўлган даврдан токи шу кунгача қаерда хатоликларга йўл қўйилди? Ким билан ва нима билан ҳисоблашмадик?

Ер инсоният Ягона макон, 200 дан ортиқ мамлакатлар ва уларнинг географик жойлашувидаги кўлайлик ёки ноқўлайлик, бир неча дин, 1000 дан миллат ва илат, турли даражадаги урф-одат ва қадриятлар ва минталитет ва бошқа кўрсаткичлар орқали ягона маконда умур гуздорлик қилаётганимизни асослаш мумкин.

Инсон – жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. мамлакатда нимаики қилинмасин, ҳаммаси инсон учун, унинг ҳаётини манфаатлари, фаровонлиги оилага си учун қилинади. Шунинг учун пандемия шароитида иш билан бандлик масаласига нафақат ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши ёки пасайиши, миллий бойликнинг ошиши ёки камайиши нуқтаи назаридан, балки биринчи галда, ҳар қандай бойликнинг яратувчиси ҳисобланган инсоннинг ўзи нуқтаи назаридан

қараш лозим. Инсонлар аксарият ҳолатда ижтимоий фаол иқтисодий субъектлардир. Улар учун ишнинг йўқотилиши нафақат даромадларнинг қисқаришини, балки ўзини жамият учун зарур деб ҳис қила олмасликни, ижтимоий йўналишининг йўқотилишини, иш орқали ўзини намоён этиш имкониятидан маҳрум бўлишни англатади. Ишини йўқотган, лекин ишлашни, маблағлар ишлаб топишни ва ушбу маблағлар ҳисобидан ўз оиласини боқишни, фарзандларини ўқитишни хоҳлайдиган инсон ишсизлик оқибатида пировардида касбий ва интеллектуал нуқтаи назардан таназзулга учрашиши эътибордан холи эмас.

### **Хулоса ва таклифлар**

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган таҳлиллар ва фикр-мулоҳазалар натижасида ҳосил бўлган қуйидаги хулосаларни берамиз:

- жамиятда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари билан нафақат давлат, балки бозор муносабатлари шароитида иш берувчилар – корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, компаниялар, концернлар ва бошқа ишлаб чиқариш тузилмалари ҳам маъсулдирлар;

- маълумки янги иш ўринлари, асосан корхоналарда ташкил этилади, демак, корхоналар биринчи навбатда аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг ташаббускорлари бўлишлари лозим;

- корхоналар мазкур муаммони муваффақиятли тарзда ҳал этган ҳолда инсонларни ишсизликка учрашдан ҳимоялайди ва жамиятда тинчлик, тўкин-сочинлик ва фаровонликнинг сақланишига қўмаклашади;

- аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш асосий масала эканлигини эътиборга олган ҳолда, тижорат банкларини ва давлат жамғармалари томонидан бериладиган имтиёзли (кам фоизли) кредитлар беришда касаначилик асосан иш ўринлари яратган корхоналарга ёки фирмаларга ваколат берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Экономика труда: учебник / А.И.Рофе.-2-е.-М.: КНОРУС, 2011.– с. 159
2. Экономика труда: учебник /И.М.Алиев,Н.А.Горелов, Л.О.Ильина-М.:Издательство Юрайт, 2012 – с. 123

3. Экономика и социология труда: учебное пособие /Н.В.Лясников, М.Н.Дудин, Ю.В.Лясников. – М.: КНОРУС, 2012. с. 79

4. Экономика труда: учебник /И.М.Алиев, Н.А.Горелов, Л.О.Ильина.-М.:Издательство Юрайт, 2012. с. 123

5. **Қ.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт** / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган -Знашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. – 592б

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони

7. 2020 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## GENDER TENGLIGNING O'ZBEKISTONNING IQTISODIY RIVOJLANISHIGA TA'SIRI

### THE IMPACT OF GENDER EQUALITY ON THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN

### ВЛИЯНИЕ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА НА ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ УЗБЕКИСТАНА

**Эргашова Сабрина Кузимуратовна –**

Студентка 3 курса Ташкентского государственного экономического университета  
факультета корпоративное управление, Узбекистан,

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada gender tengligining O'zbekistonning iqtisodiy rivojlanishiga ijobiy ta'siri muhokama qilinadi, uni jamiyatga joriy etishning keyingi istiqbollari baholanadi, mamlakatda gender tengligini qo'llash samaradorligi aniq misollar bilan keltirilgan, xorijiy mamlakatlarning jahon tajribasi va amaliyoti mamlakatning iqtisodiy, siyosiy va huquqiy sohalarida ayollarning rolini oshirishi da tizimlashtirilgan.

**Kalit so'zlar:** gender tengligi, BMT, iqtisodiy rivojlanish, gender tengsizligi indeksi, YAIM o'sishi.

**Abstract:** This article examines the positive impact of gender equality on the economic development of Uzbekistan, assesses further prospects for its introduction into society, provides concrete examples of the effectiveness of gender equality in the country, systematizes the world experience and practice of foreign countries in increasing the role of women in the economic, political and legal sectors of the country.

**Keywords:** gender equality, UN, economic development, gender inequality index, GDP growth.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается положительное влияние гендерного равенства на экономическое развитие Узбекистана, оцениваются дальнейшие перспективы его внедрения в общество, на конкретных примерах приводится эффективность применения гендерного равенства в стране, систематизируется мировой опыт и практика зарубежных стран в повышении роли женщин в экономическом, политическом и социальном секторах страны.

**Ключевые слова:** гендерное равенство, ООН, экономическое развитие, индекс гендерного неравенства, рост ВВП.

#### Введение

Гендерное равенство... Когда мы слышим эти два слова, мы сразу же подразумеваем

равенство мужчин и женщин в обществе,

одинаковые возможности и равные права.

Но так ли оно на самом деле? К сожалению,